

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



“ТАСДИКЛАЙМАН”

(ОТМ ректори)

2020 йил “12” 08



“КЕЛИШИЛДИ”

Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги

2020 йил “14” 08

Рўйхатга олинди: № БД-5230900-7  
2020 йил “14” 08

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ НАЗАРИЯСИ

ФАН ДАСТУРИ

- Билим соҳаси: 200000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
- Таълим соҳаси: 230000 – Иқтисод
- Таълим йўналиши: 5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит  
(тармоқлар бўйича)



<b>Фан/модуль коди</b> TNEACС6	<b>Ўқув йили</b> 2020-2021	<b>Семестр</b> 1	<b>ECTS - Кредитлар</b> 6	
<b>Фан/модуль тури</b> Мажбурий	<b>Таълим тили</b> Ўзбек/рус		<b>Хафтадаги дарс соатлари</b> 6	
1.	<b>Фаннинг номи</b>	<b>Аудитория машғулотлари (соат)</b>	<b>Мустақил таълим (соат)</b>	<b>Жами юклама (соат)</b>
	Бухгалтерия ҳисоби назарияси	72	108	180
2.	<p><b>I. Фаннинг мазмуни</b></p> <p>Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларга ҳўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби бўйича назарий билимларни ҳосил қилиш ва уларни амалиётга қўллашни ўргатишдан иборатдир.</p> <p>Фанни ўқитишнинг мақсади - талабаларга ҳўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби назарияси бўйича назарий билимларни ҳосил қилиш ва уларни амалиётга қўллашни ўргатишдан иборатдир.</p> <p>Фаннинг асосий вазифалари - бухгалтерия ҳисоби назариясининг назарий асосларини ўрганиш; бухгалтерия ҳисобининг услубий асослари бўйича билимга эга бўлиш, ҳўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисобининг ташкилий асосларини ўрганиш; ҳўжалик юритувчи субъект активлари, капитал ва мажбуриятлари, даромади, харажатлари, фойда ҳамда зарарларни ҳисобга олиш услубларини ўзлаштиришдан иборатдир.</p> <p>“Бухгалтерия ҳисоби” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- ҳисоб, ҳўжалик ҳисоби турлари, жумладан бухгалтерия ҳисоби ҳақидаги тушунча, бухгалтерия ҳисобининг предмети, бухгалтерия ҳисобининг усуллари ва тамойиллари, бухгалтерия баланси, ҳужжатлаштириш ва инвентаризация, баҳолаш ва калкуляция, бухгалтерия ҳисобининг счётлари ва иккиёклама ёзув, асосий ҳўжалик жараёнлари ҳисоби, бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва шакллари, бухгалтерия ҳисоботи, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари, ҳўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари, ҳўжалик операцияларининг баланс билан боғлиқлиги, бухгалтерия ҳисобининг объектлари ва субъектлари</li> </ul>			

тўғрисида билиши керак.

- хўжалик операцияларини қайд этиш ва ҳисоб регистрларида акс эттириш тартиби ҳамда молиявий ҳисобот кўрсаткичларини шакллантиришни ўрганиши, самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ички ҳисоб ва ҳисобот маълумотларни қайта ишлаш, маълумотларни таҳлил этиш ва уларнинг ўзгариши устидан назорат қилиш услубларини қўллаш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ривожланиши тенденцияларини аниқлаш мақсадида илмий-амалий усуллардан фойдаланиш қўникмаларига эга бўлиши керак.

- хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш ҳамда молиявий-иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий асосларидан фойдалана олиши, узлуксиз таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига қўмаклашиш (ўқув персоналига), тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида ўқув машғулотларини ўтказиш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини эгаллаш ҳамда уни тадбиқ этиш малакаларига эга бўлиши керак.

## **II. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)**

### **III. Фан таркибига қуйидаги мавзулар қиради:**

#### **1-мавзу. “Бухгалтерия ҳисоби назарияси” фанининг предмети ва методи.**

Хўжалик ҳисоби тўғрисида умумий тушунча ва унга қўйиладиган талаблар. Хўжалик ҳисобининг турлари: тезкор (оператив), статистик ва бухгалтерия ҳисоби. Ҳисоб турларида қўлланиладиган: натурал, меҳнат ва пул ўлчови бирликлари. Хўжалик ҳисоби тизимининг яхлитлиги.

Бухгалтерия ҳисоби назарияси фанининг предмети, бошқа иқтисодий фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва бухгалтерия ҳисобининг тадқиқот усуллари. Бухгалтерия ҳисобининг мақсади ва вазифалари. Бухгалтерия ҳисоби субъектлари ва объектлари. Бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисобининг ўрни ва соҳадаги ислохотларнинг аҳамияти. Бухгалтерия ҳисоби объектларининг тармоқлар хусусияти ва мулкчиликнинг шаклларига боғлиқлиги. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни ва унинг аҳамияти. Бухгалтерия ҳисобининг молиявий ҳисоб, бошқарув ҳисоби ва солиқ ҳисобига бўлиниши ҳамда улар тўғрисида умумий тушунчалар.

## **2-мавзу. Бухгалтерия баланси, унинг тузилиши ва мазмуни.**

“Баланс” тушунчаси ва унинг иқтисодий аҳамияти. Бухгалтерия балансининг тузилиши ва мазмуни. Хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари. Хўжалик маблағларини турига, жойлашишига ва таркибига қараб туркумлаш. Хўжалик жараёнлари ва хўжалик муомалалари тўғрисида тушунча. Хўжалик муомалалари таъсирида балансда содир бўладиган ўзгаришлар. Баланс моддалари. Балансни ўқиш тартиби. Республикамиз корхоналарида тузилаётган баланслар билан хорижий давлатларда тузилаётган баланслар ўртасидаги умумий боғлиқлик. Ҳисоб сиёсатида балансни ёритиб бериш тартиби. Балансга тегишли бўлган молиявий ҳисобот элементлари.

## **3-мавзу. Счётлар тизими ва иккиёклама ёзув.**

Ҳисобварақлар (счётлар) ҳақида тушунча. Бухгалтерия ҳисобининг счётлари ва унинг тузилиши: дебет ва кредит, оборот (айланма) суммалари, қолдиқлар ҳақида тушунчалар. Синтетик ва аналитик счётлар, уларнинг тузилиши ва ўзаро боғлиқлиги. Аналитик ва синтетик ҳисоб ҳақида тушунча. Бухгалтерия ҳисобининг счётлар тизими ва унинг аҳамияти. Бухгалтерия ҳисобининг счётлари режаси (21-сон БҲМС) ва унинг тузилиши. Бухгалтерия баланси ва счётларнинг ўзаро боғлиқлиги. Счётларнинг иқтисодий мазмуни, таркиби ва тайинланиши бўйича туркумланиши. Доимий ва вақтинчалик счётлар, тартибга солувчи ва балансдан ташқари счётлар. Актив ва пассив счётлар, контрар-актив, контрар-пассив счётлар. Кетма-кет (хронологик) ва тизимли (системали) ёзувлар. Иккиёклама ёзув ва унинг асосланиши. Иккиёклама ёзувнинг назорат қилиш хусусиятлари. Жорий бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш. Оборот ведомост (айланма кайднома)ларини тузиш. Уларнинг турлари, шакли ва тузиш тартиби.

## **4-мавзу. Баҳолаш ва калкуляция.**

Қиймат кўрсаткичининг моҳияти. Баҳо ва баҳолаш тушунчалари, унинг турлари. Баҳолашнинг асосий тамойиллари. Бошланғич қиймат, қолдиқ қиймат, жорий қиймат, сотиш қиймати (улгуржи, чакана ва бошқа баҳолар), дисконтланган қиймат, баланс қиймати. Таннарх ва калкуляция тушунчалари. Калкуляциянинг мақсади ва вазифалари. Калкуляция маҳсулот таннархини ҳисоблаш усули еканлиги, унинг мақсади ва вазифалари. Таннархни ҳосил қиладиган харажатлар, уларни иқтисодий мазмунига кўра туркумланиши. “Харажатлар таркиби тўғрисида”ги Низом ва унинг аҳамияти. Калкуляция турлари.

## **5-мавзу. Асосий хўжалик жараёнлари ҳисобининг тамойиллари.**

Хўжалик жараёнларининг асосий кўрсаткичлари ва уларнинг аҳамияти. Хўжалик жараёнлари турлари: таъминот, ишлаб чиқариш,

сотиш. Таъминот жараёнининг ҳисоби. 4-сон Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС)га асосан товар-моддий заҳираларини баҳолаш. Транспорт-тайёрлов харажатлари ҳақида тушунча ва уларни тақсимлаш усуллари. Ишлаб чиқариш жараёнининг ҳисоби. Калкуляция счётларининг ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, бажарилаётган иш ва хизматлар таннархини аниқлашдаги ўрни. Ишлаб чиқариш жараёнида синтетик ва аналитик ҳисобни ташкил этиш. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини аниқлаб оморга қабул қилиш. Сотиш (реализация) жараёнининг ҳисоби. Сотиш жараёни харажатлари. Давр харажатлари ҳақида тушунча ва уларни бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш.

#### **6-мавзу. Ҳужжатлаштириш ва инвентаризация.**

Ҳужжатлаштириш ҳақида тушунча. Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатларнинг роли ва аҳамияти. Бухгалтерия ҳужжатларининг туркумланиши. Ҳужжатларнинг реквизитлари. Ҳужжатларга ёзувлар қилиш ва уларни расмийлаштиришда қўйиладиган талаблар. Ҳўжалик муомалаларини дастлабки ва йиғма ҳужжатлаштириш тартиби. Ҳужжатларнинг айланишини ташкил этиш. Ҳужжатларни автоматлаштириш ва ташкил этиш шаклига боғлиқлиги. Инвентаризация тўғрисида тушунча, унинг аҳамияти ва турлари. “Инвентаризацияни ташкил этиш ва уни ўтказиш” номли бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС 19-сон)га мувофиқ ҳўжалик субъектларида инвентаризация ўтказишни ташкил қилиш тартиби. Инвентаризация натижаларини расмийлаштириш ва бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттирилиши.

#### **7-мавзу. Бухгалтерия ҳисобининг регистрлари ва шакллари.**

Ҳисоб регистрлари ва шакллари ҳақида тушунча. Уларнинг бухгалтерия ҳисобидаги роли ва аҳамияти. Бухгалтерия ҳисобининг шакллари, уларнинг моҳияти ва тарихий ривожланиши. Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер, мемориал-ордер, Бош журнал шакллари. Бухгалтерия ҳисобининг информацион технологияларга асосланган (1С: Бухгалтерия, “Бухгалтерга электрон мадад БЕМ”) ва соддалаштирилган шакллари аҳамияти ва уларнинг юритилиши.

#### **8-мавзу. Бухгалтерия ҳисоботи.**

Бухгалтерия ҳисоботи ҳақида тушунча, унинг аҳамияти ва моҳияти. Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботининг таркибий тузилиши. Ҳисобот шаклларининг тузилиш тамойиллари: ҳисоблаш, иккиёклама ёзув, мазмуннинг шаклдан устунлиги, ишончлилик, кўрсаткичларнинг таққосланувчанлиги, молиявий ҳисоботларнинг бетарафлиги, актив ва мажбуриятларнинг соф баҳоси, ўз вақтидалик. Бухгалтерия баланси (1-шакл), Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл), Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот (4-шакл), Хусусий капитал тўғрисидаги



хисобот (5-шакл), бухгалтерия (молиявий) хисоботга иловалар, тушунтиришлар ва маълумотлар. Йиллик (чорак, ярим йиллик) хисоботларни тузиш, уларни тулдириш ва тақдим этиш тартиби. Йиғма бухгалтерия хисоботи. Молиявий хисоботни тайёрлаш ва тақдим этишнинг концептуал асослари (БХМС асосида).

### **9-мавзу. Бухгалтерия хисобини ташкил этиш.**

Бухгалтерия хисобини ташкил қилиш асослари ва аҳамияти. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия хисобини ташкил этиш ва юритиш бўйича меъёрий ҳуқуқий асослар. Бухгалтерия хисобини ташкил қилиш шакллари. Кичик бизнес корхоналарида бухгалтерия хисобини халқаро ва миллий стандартлар асосида ташкил этиш. Ҳисоб сиёсати тушунчаси ва аҳамияти. Бухгалтерия хисобига раҳбарлик қилиш. Бухгалтерияда ишни ташкил қилиш. Хўжалик субъектларида бош бухгалтернинг вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳамда этикаси.

### **III. Амалий машғулотлари бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

- “Бухгалтерия ҳисоби назарияси” фанининг предмети ва методи.
- Бухгалтерия баланси, унинг тузилиши ва мазмуни.
- Счётлар тизими ва иккиёклама ёзув.
- Баҳолаш ва калькуляция.
- Асосий хўжалик жараёнлари ҳисобининг тамойиллари.
- Хўжатлаштириш ва инвентаризация.
- Бухгалтерия хисобининг регистрлари ва шакллари.
- Бухгалтерия хисоботи.
- Бухгалтерия хисобини ташкил этиш.

Амалий машғулотлар мультимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир профессор-ўқитувчи томонидан ўтказилиши зарур. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

### **IV. Мустақил таълим ва мустақил ишлар**

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Бухгалтерия хисобининг предмети ва метод (усул)лари.
2. Хўжалик маблағлари ва уларнинг келиб чиқиш манбалари таснифи.
3. Бухгалтерия баланси ва унинг тузилиши.
4. Хўжалик муомалалари таъсирида балансда юз берадиган ўзгаришлар.
5. Счётлар тизими тўғрисида тушунча ва уларни туркумлаш.

	<p>6. Бухгалтерия ҳисоби сётларидаги иккиёклама ёзуннинг асосланиши.</p> <p>7. Сётлар тизими ва баланс ўртасидаги ўзаро боғлиқлик.</p> <p>8. Бухгалтерия ҳисобининг сётлар режаси.</p> <p>9. Қиймат ўлчовининг моҳияти ва унинг аҳамияти.</p> <p>10. Калькуляция, унинг мақсад ва вазифалари ҳамда турлари.</p> <p>11. Таъминот жараёнининг ҳисоби.</p> <p>12. Ишлаб чиқариш жараёнининг ҳисоби.</p> <p>13. Сотиш (реализация) жараёнининг ҳисоби.</p> <p>14. Хўжатлаштириш, унинг моҳияти ва аҳамияти.</p> <p>15. Инвентаризацияни ташкил қилиш ва унинг турлари.</p> <p>16. Ҳисоб регистрлари ва уларнинг бухгалтерия ҳисобидаги роли.</p> <p>17. Бухгалтерия ҳисоби шакллари, уларнинг моҳияти ва тарихий ривожланиши.</p> <p>18. Бухгалтерия ҳисоботининг моҳияти, аҳамияти ва таркиби.</p> <p>19. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш тамойиллари.</p> <p>Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан лойиҳа иши, эссе, тезис ёки илмий мақола ёзиш, рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.</p>
3.	<p><b>V. Фан ўқитилишининг натижалари (шаклландиган компетенциялар)</b></p> <p>Фанни ўзлаштириш натижасида талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– ҳисоб тушунчаси, хўжалик ҳисоби тушунчаси, бухгалтерия ҳисоби объектлари, субъектлари, ҳисобда қўлланиладиган усуллар тўғрисида тасаввурга эга бўлиши;</li> <li>-бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойилларини, хўжалик юритувчи субъект фаолияти ва у билан боғлиқ даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш усулларини, молиявий ҳисоботлар ва ички ҳисоботларнинг кўрсаткичлари ва уларнинг шаклланишини, ички ва ташқи фойдаланувчилар учун зарур маълумотларни бухгалтерия ҳисобидан ҳамда ҳисоботлардан олишни билиши;</li> <li>-бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган дастлабки хўжатларни қайта ишлаш ва уларни умумлаштиришни мустақил амалга ошириш, хўжалик юритувчи субъектда содир бўлган хўжалик муомалалари бўйича бухгалтерия ўтказмаларини тузиш ва сётларда акс эттириш, бухгалтерия ҳисоби сётларининг обороти ва қолдиғини аниқлаш; молиявий ва бошқарув ҳисоботларини тузиш ҳамда тақдим этиш бўйича кўникмаларга эга бўлиши;</li> <li>-бухгалтерия ҳисобининг назарий, услубий ва ташкилий асослари; бухгалтерия ҳисобининг услуби ва усуллари; бухгалтерия ҳисобининг</li> </ul>



	бошқа иктисодий фанлар билан боғлиқлигини тасавур этиш малакаларига эга бўлиши керак.
4.	<p><b>VI. Таълим технологиялари ва методлари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• маърузалар;</li> <li>• реал вазиятга асосланган амалий ишларни бажариш;</li> <li>• эссе, тезис ва мақолалар ёзиш;</li> <li>• вазиятли топшириқларни (кейс-стади) ечиш;</li> <li>• жараёнли-йўналтирилган таълим;</li> <li>• муҳокамаларда иштирок этиш;</li> <li>• кичик гуруҳларда ишлаш;</li> <li>• лойиҳа иши бажариш;</li> <li>• мустақил ишларни бажариш;</li> <li>• тақдимот тайёрлаш;</li> <li>• турли даражадаги тестларни ечиш;</li> <li>• сўров ўтказиш.</li> </ul>
5.	<p><b>VII. Кредитларни олиш учун талаблар:</b></p> <p>Фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштириш, таҳлил натижаларини тўғри ақс этира олиш, ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш ва жорий, оралик назорат шаклларида берилган вазифа ва топшириқларни бажариш, якуний назорат бўйича тест ёки ёзма ишни топшириш.</p>
6.	<p><b>Асосий адабиётлар</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Carl S. Warren, James M. Reeve, Jonathan E. Duchac. Accounting. (ISBN: -13: 978-1-133-60760-1) USA, 2014. 25th Edition.</li> <li>2. Barry Elliot, Jamie Elliot. Financial accounting and reporting. (ISBN 978-1-292-08057-4) London, 2015. 17 th Edition.</li> <li>3. Eldon S. Hendriksen Michael F. Van Breda. Accounting theory. Пер. с англ./Под ред. проф. Я.В. Соколова. — М.: Финансы и статистика, 2011. — 576 с.</li> <li>4. Жўраев Н., Абдувахидов Ф., Сотволдиева Д. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Дарслик. -Т.: “Иқтисод –молия” нашриёти, 2012 й, 481бет</li> <li>5. Хасанов Б.А., Хошимов А.А. Бошқарув ҳисоби. Дарслик. -Т.: “Янги нашр», 2011 й, 312 бет.</li> <li>6. Эргашева Ш.Т. Бухгалтерский учет. Учебное пособие. / -Т.: Иқтисод-молия, 2011. -520 стр.</li> </ol>

	<p style="text-align: center;"><b>Кўшимча адабиётлар</b></p> <p>1. Кутер М.И. Введение в бухгалтерский учет: Учебник [Электронный ресурс]: учебное электронное издание (учебник) / М.И. Кутер - Электрон. дан. (23 Мб). – 2- изд. стер. - Майкоп: ЭЛИТ, 2015. - 1 электрон. опт. диск (CD-R).</p> <p>2. Пачоли Л. Трактат о счетах и записях (Электронный ресурс); научное электронное издание / перевод и редакция проф. М.И. Кутера – Электрон.дан. (325 Мб) – Майкоп: ЭЛИТ, 2015. -1электрон. опт. диск (CD-R).</p> <p>3. Бреславцева Н.А., Михайлова Н.В., Гончаренко О.Н. Бухгалтерский учет. Учебник. Ростов н/Д: Феликс, 2012, 318 стр.</p> <p style="text-align: center;"><b>Ахборот манбаалари</b></p> <p>1. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.</p> <p>2. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.</p> <p>3. www.tradingeconomics.com – экономические показатели</p> <p>4. www.mf.uz (O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligining sayti)</p> <p>5. www.ach.gov.uz (O'zbekiston Respublikasi Hisob Palatasining sayti)</p> <p>6. www.openbudget.uz (O'zbekiston Respublikasining “Ochiq byudjet” portali)</p>
7.	<p>Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунара таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2020 йил <u>“14 08”</u> даги <u>3</u> -сонли баённомаси билан маъқулланган.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил <u>“14” 08</u> даги <u>418</u> - сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.</p>
8.	<p><b>Фан/модуль учун масъулар:</b></p> <p>Б.А.Хашимов - ТДИУ, “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси доценти, иктисод фанлари номзоди</p>
9.	<p><b>Такризчилар:</b></p> <p>И.Н.Кўзиёв - ТМИ, “Бюджет ҳисоби ва гзначилик иши” кафедраси профессори, иктисод фанлари доктори (турдош ОТМ)</p> <p>Н.К. Ризаев – ЎзРБМА, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси профессори, иктисод фанлари доктори, (турдош ОТМ).</p>